



e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710

# IJIRSET

International Journal of Innovative Research in  
**SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY**

# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 3, March 2022

**ISSN** INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

Impact Factor: 7.569

9940 572 462

6381 907 438

[ijirset@gmail.com](mailto:ijirset@gmail.com)

[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)



# New Uzbekistan Strategy

Zuhra Umarova<sup>1</sup>, Nozimabonu Muminova<sup>2</sup>

Teacher of "Methods of primary education", Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region,  
Uzbekistan. <sup>1</sup>

Faculty of Primary Education, 4th year student, Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent  
region, Uzbekistan. <sup>2</sup>

**Abstract:** The articles reflect on the "Strategy of New Uzbekistan" which is presented by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev

**Keywords:** strategy, knowledge, progress, education, upbringing, approaches, skill, skills, experience.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ

Зухра Умарова<sup>1</sup>

“Бошланғич таълим методикаси” кафедраси ўқитувчиси  
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти<sup>1</sup>

Нозимабону Муминова<sup>2</sup>

Бошланғич таълим факультети  
4-курс талабаси

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти<sup>2</sup>

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан тақдим этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” тўғрисида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** стратегия, билим, тараққиёт, таълим, тарбия, ёндашув, кўникма, малака, тажриба.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон стратегияси” тақдим этилди [1]. Стратегиянинг бутун моҳиятини таълим ва тарбия жараёнини янада кучайтириш, унинг сифат самарадорлигига эришиш ташкил этади. Бу ўринда Стратегия тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашамиз.

1. *Инновацион иқтисодиёт.* “Янги Ўзбекистон стратегияси”нинг мазкур биринчи йўналишида иқтисодиётимизни икки таянчга асосланган ҳолда ривожлантириш белгиланган. Бу таянчлар илм ва инновациялардир. Ҳақиқатдан ҳам илм ва инновацияга асосланган иқтисодиёт ҳозирги замон талабларига мосдир. Шу сабабли таълим тизимида илм беришни кучайтириш ва ёш авлодни инновацияларга йўналтириш муҳим ўрин тутади.

2. *Фаол тадбиркорлик.* Бу йўналишда ҳам асосан икки таянч белгиланган. Булар тадбирорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришдир. Шу маънода таълим тизими воситасида ёш авлодда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш билан камбағалликни бартараф этиш мумкин бўлади. Демак, таълим ва тарбия жараёнида ҳалоллик, адолат ҳамда қаноат кўникмаларига асосланган тадбиркорлик тушунчасини ёшларда шакллантиришимиз тақоза этилади.

3. *Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш.* Мазкур йўналишда ҳам икки муҳим таянч белгиланган. Булар қишлоқ хўжалиги воситасида бандликни таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигига эришишдир. Ҳозирги хорижий мамлакатлар таълим тизимида бу масалалар махсус курслар воситасида ўқитилади. Шу жиҳатдан ўрта махсус, профессионал ва олий маълум муассасаларида ёш авлодга бандлик масаласи ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича касбий кўникмалар бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. *Сифатли таълим.* “Янги Ўзбекистон стратегияси”да бу йўналиш муҳим ҳисобланади. Йўналишда қуйидаги икки вазифа қўйилган: таълим тизимини замонавий даражада ривожлантириш ва инсон капиталини рўёбга чиқариш. Шу жиҳатдан мазкур йўналишда белгиланган вазифалар ижроси жараёнида таълим тизимимизга халқаро таълим дастурларини ва баҳолаш мезонларини жорий этиб бориш тақоза этилади. Чунки сифатли таълим инсон капиталини (шахснинг интеллектуал имкониятлари ва касбий компетенцияларини) ривожлантириш имконини беради.

5. *Аҳоли саломатлигини сақлаш.* Бу масала глобал муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабли янги Стратегиямизда бу йўналиш бўйича икки муҳим таянч белгиланган. Булар хонадонбай асосда одамларга



тиббий ёрдам кўрсатиш ва аҳолининг санитария-эпидемиологик маданиятини ривожлантиришдан иборат. Таълим воситасида ёш авлод онгида тиббий ва эпидемиологик маданиятни шакллантиришимиз тақоза этилади. Бу иш таълим босқичлари хусусиятларига мос равишда амалга оширилиши кутилган самарани беради.

6. *Худудларни ривожлантириши.* Бу йўналишда туман ва шаҳарларнинг “Ўсиш нуқтаси” асосида ҳамда урбанизация жараёниша таянган ҳолда худудларни ривожлантириш белгиланган. Шу маънода таълим воситасида ёшлар онгида худудларни ривожлантириш бўйича тушунчаларни шакллантириш ва уларнинг урбанизация масаласи бўйича билимдонлигини ошириш тақоза этилади. Ҳозирги таълим тизимимизнинг имкониятлари кенглиги мазкур вазифаларни бажариш учун асос бўлади.

7. *Халқчил давлатчилик.* Бу йўналишда инсон кадрланадиган жамиятни ва халқпарвар давлатчиликни ривожлантириш белгиланган. Бунда “Давлат – халқ хизматчиси” ғояси устувор вазифа сифатида қўйилган. Шу жиҳатдан ёш авлод онги ва дунёқарашда инсонпарвар жамият ҳамда халқчил давлатчилик тушунчаларини шакллантиришимиз, уларни давлат хизматига тайёрлашимиз лозим бўлади.

8. *Қонун устуворлиги.* Мазкур йўналишда одил судловга тўлиқ эришиш ва одамларда қонунга итоат қилиш кўникмасини шакллантириш вазифалари қўйилган. Шу сабабли таълим жараёнида ёш авлоднинг ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятини бугунги талаблар асосида шакллантиришимиз тақоза этилади. Ҳуқуқ таълими таълимнинг барча босқичларида берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

9. *Прогматик ташқи сиёсат.* Бу йўналишда мамалакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, дунё халқлари билан изчил ҳамкорлик қилиш ва Ўзбекистоннинг ташқи обрўсини юксалтириш вазифалари қўйилган. Мазкур вазифаларнинг ижросида таълим тизими муҳим ўрин тутди. Чунки билимли, саводхон ва ахлоқли авлод мамлакат ҳамда халқ хавфсизлиги йўлида кутилган даражада хизмат қилиши лозим.

10. *Маданий-маърифий тараққиёт.* Янги Стратегиямизнинг сўнгги мазкур йўналишида жамиятимизда маданият ва маърифатни ривожлантириш вазифалари қўйилган. Бунда “Янги Ўзбекистон – маънавий жамият” номли концепцияни ишлаб чиқиб, амалга ошириш белгиланган. Шу жиҳатдан юксак маданият, чуқур маърифат ва етук маънавият таълим жараёнида юзага келтирилади. Бунинг учун ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг янги ғоялари ҳамда технологияларини кашф этишимиз тақоза этилади.

Эътибор берилса, “Янги Ўзбекистон стратегияси” мазмун-моҳиятини таълим-тарбия ташкил этади. Шу сабабли келгуси беш йилда таълим ва тарбия жараёнига инновацион ғояларни ҳамда замонавий технологияларни жорий этиб боришимиз керак бўлади. Бунда таълим берувчилар ва таълим олувчиларнинг тенг ҳамда фаол иштирок этиши тақоза этилади [2].

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон – инсон кадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатдир. // “XXI аср” газетаси 2021 йил 10 сентябрь сони.
2. Умарова З.А. Бошланғич таълимда тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш. ЭЛЕКТРОННОЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ ПЕРИОДИЧЕСКОЕ ИЗДАНИЕ [www.iupr.ru](http://www.iupr.ru) "Экономика и социум" №8(87) 2021.



**Impact Factor:  
7.569**



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

 9940 572 462  6381 907 438  [ijirset@gmail.com](mailto:ijirset@gmail.com)



[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)

Scan to save the contact details